O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 10



ISSN: 2181 7804











FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/10

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ж.А. Акрамов – Бўлажак гандбол бўйича мураббийларда креативликни ривожлантириш масалалари. 3

Ф.К. Турдиев., З.Ш. Хадиятуллаев – 17-18 ёшли боксчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш. 6

Л.Н. Халматов – Ўқувчи-спортчиларни машғулот жараёнида мотивациясини шакллантиришнинг педагогик асослари. 11

О.Қ. Жақсимуратов – 11-13 ёшли ўқувчиларнинг куч сифатини ривожлантиришда инновацион воситалардан фойдаланиш методикаси. 17

З.Ч. Норқулов – 16-18 ёшли оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик даврида махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш услубияти. 20

Ш.Ш. Махмудов – Юқори малакали оғир атлетикачиларнинг тайёргарлигида спорт техникасини педагогик назорат қилишнинг самарадорлиги. 27

Ш.А. Пирназаров – Кичик мактаб ёшдаги болаларда сузиш кўникмаларини шакллантириш ўйин-услубий ёндашувнинг самарадорлиги. 29

Қ.М. Мамадалиев – Талабалар меҳнат фаолиятида кун тартиби гимнастика машғулотларининг самарадорлиги. 31

А.А. Низаметдинов – Ўзбекистон терма жамоаларини комплекс спорт мусобақаларга тайёрлашда моделлаштириш ва прогнозлаш. 35

Ш.С. Мирзанов – Курашчиларда тезкор-динамик кучни баҳолашда замонавий ўлчов ускуналарининг самарадорлиги. 38

Б.Ф. Икрамов., Ф.Т. Икрамов., З.Н. Азимов – Каноэда эшкак эшувчиларнинг тезкор куч имкониятларини ривожлантириш самарадорлиги. 41

Ж.А. Акрамов – Гандболчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларининг таҳлили. 44

Х.Х. Қурбонов – Ўқув-машқ босқичи биринчи ва иккинчи йилида ўрта масофаларга югурувчилар машғулотларида спорт формасини шакллантириш услубияти. 48

З.А. Агзамова., В.В. Мун – Многолетнее исследование юных хоккеистов на траве в соревновательном периоде. 54

ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

К.Т. Шакиржанова., Б.А. Шокиржонов – Патриотизм и спорт: единая цель – единая победа. 58

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АДАПТИВНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА

Г.М. Зоитова – Индивидуализация тренировочного процесса пловцов-паралимпийцев класса s6. 62

Л.Т. Давлатова – Жисмоний имконияти чекланган пара волейболчи спортчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичида психологик ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари. 66

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 28.10.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/10

Н.Ш. Бобомурадов – Малакали пара дзюдочиларда ўқув-машғулот жараёнини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. 68

М.И. Боймирзаева – Эшитишда нуқсони бор курсоқов ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш хусусиятлари. 71

Д.А. Хўжамкелдиева – Пара бадминтончиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш методикаси. 73

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Д.К. Зубовский., О.Д. Нечай., Т.М. Зубовская – Спортивная физиотерапия и функциональная реабилитация спортсменов. 77

В.В. Серебряков., Г.И. Намозова., М.А. Рахмонбердиев – Адаптационные механизмы организма спортсмена при интенсивных тренировках: обзор современных данных. 84

М.С. Абдураҳманов – Ўсмир таэквондочиларда тезкор чидамлиликни ривожлантиришнинг самарали усуллари. 86

Ш.С. Мирзанов – Малакали белбоғли курашчиларда максимал динамик куч кўрсаткичларини турли тайёргарлик цикларида ривожланиш динамикаси. 90

Х.Х. Умаров – Бадиий гимнастикачи қизларнинг юрак-қон томир тизимининг машғулот юкламаларига мослашув жараёнини ўрганиш. 93

Э.У. Худайбергенова – Волейболчиларни енгил атлетика машқлари асосида мусобақаларга тайёрлаш самарадорлиги. 96

Д.С. Насриева – Ўқув-машғулот гуруҳи волейболчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш. 98

И.Б.Исаев – Белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштиришда мусобақа натижалари таҳлили. 101

У.Р. Раджапов – Гимнастикачиларни тайёрлашда жисмоний сифатлар ривожланишининг ёш хусусиятлари. 104

М.Г. Ҳайдаров., Н.К. Светличная., М.Р. Ташев – “Round support mg” тренажёр воситасининг тана-таянч ҳаракат тизимига физиологик таъсири ва машғулот самарадорлигини оширишдаги ўрни. 107

Ҳ.Ш. Бекманова – Ўрта мактаб ўқувчиларининг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлашда координацион ва жисмоний сифатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўрни. 111

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ

К.Ш. Зиядуллаев – Особенности формирования современных инновационных механизмов управления персоналом в системе спорт-логистика-кластер спортивных организаций. 114

спортчиларда куч кўрсаткичлари ўсиши, жароҳатлар сони камайиши ва функционал ҳолатнинг яхшиланишига олиб келади. Бу эса тренажёрнинг на фақат параспорт, балки умумий спорт тайёргарлиги, соғломлаштириш ва реабилитация жараёнларида ҳам кенг қўлланиш имконияти борлигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, «Round Support MG» тренажёри жисмоний тайёргарлик жараёнини индивидуаллаштириш, спортчилар соғлиғини асраш, машғулот самарадорлигини ошириш ва замонавий спорт технологияларини амалиётга жорий этишда янги илмий-амалий қадам бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Baechle, T. R., & Earle, R. W. (2008). Essentials of Strength Training and Conditioning (3rd ed.). Champaign, IL: Human Kinetics.
2. Bompa, T., & Haff, G. G. (2019). Periodization: Theory and Methodology of Training (6th ed.). Champaign, IL: Human Kinetics.
3. Fry, A. C., & Kraemer, W. J. (2011). Resistance exercise overtraining and overreaching: Neuroendocrine responses. Sports Medicine, 31(7), 477–494. https://doi.org/10.2165/00007256-200131070-00004
4. González-Badillo, J. J., & Sánchez-Medina, L. (2010). Movement velocity as a measure of loading intensity in resistance training. International Journal of Sports Medicine, 31(5), 347–352. https://doi.org/10.1055/s-0030-1248333
5. Komi, P. V. (Ed.). (2011). Strength and Power in Sport (2nd ed.). Oxford: Blackwell Science.
6. Zatsiorsky, V. M., & Kraemer, W. J. (2006). Science and Practice of Strength Training (2nd ed.). Champaign, IL: Human Kinetics.
7. Stone, M. H., Sands, W. A., & Stone, M. E. (2007). Principles and Practice of Resistance Training. Champaign, IL: Human Kinetics.
8. Enoka, R. M. (2008). Neuromechanics of Human Movement (4th ed.). Champaign, IL: Human Kinetics.



Катта ўқитувчи
Ҳ.Ш. БЕКМАНОВА[1]
[1]Урганч давлат педагогика институти
Урганч шаҳри, Ўзбекистон

https://doi.org/10.65149/fansport.2025.v8i10.a031

ЎРТА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА КООРДИНАЦИОН ВА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация

В статье выделены кондиционные (основные и производные качества) и координационные формы физической подготовки. Понятие координации происходит от латинского слова, означающего «согласование, совместное подчинение,» и определяется как способность взаимно согласовывать определенные движения в процессе управления двигательной деятельностью. Уровень развития основных физических качеств определяет физическую подготовленность человека и его физическое здоровье.

***Ключевые слова**: сила, выносливость, координация, гибкость, быстрота, физическое воспитание.*

Annotation

Мақолада жисмоний тайёргарликнинг кондицион (асосий ва ҳосила сифатлар) ва координацион шакллари ажратиб кўрсатилган. Координация тушунчаси лотинчадан «келишиш, биргаликда бўйсуниш» маъносини билдириб, ҳаракатларни бошқариш жараёнида маълум бир ҳаракатларни ўзаро мослаштириш қобилияти сифатида белгиланади. Асосий жисмоний сифатларнинг ривожланганлик даражаси инсоннинг жисмоний тайёргарлигини ва унинг жисмоний саломатлигини белгилайди.

***Калит сўзлар**: куч, чидамлилик, координация, эгилувчанлик, тезкорлик, жисмоний тарбия.*

The article distinguishes between conditional (basic and derived qualities) and coordination forms of physical preparation. The concept of coordination comes from Latin, meaning «to agree, to subordinate together,» and is defined as the ability to harmonize certain movements in the process of motion control. The level of development of basic physical qualities determines a person's physical fitness and their physical health.

***Key words**: strength, endurance, coordination, flexibility, speed, physical education.*

Долзарблиги. Асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш жисмоний тарбиянинг ўзига хос вазифаларидан бири бўлган – соғломлаштириш вазифасининг асосини ташкил қилади. Жисмоний тайёргарлик инсоннинг жисмоний саломатлиги ҳолатини аниқлаш ва баҳолашнинг асосий мезони сифатида эътироф этилади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш жараёнида кузатиладиган жисмоний тайёргарлик ва морфофункционал кўрсаткичларнинг ўзгариши шуғулланувчилар учун юқори мотивацияни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда мактаб жисмоний тарбия жараёнида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги мониторинги кенг қўлланилмоқда. Мавжуд бўлган меъёрлар , тест услубиятлари ва назорат меъёрларини ташкил қилиш ўқувчиларнинг жисмоний сифатлари ривожланишига ва уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш ва уни баҳолашнинг умумий асосларини ўрганиш, шунингдек, жисмоний тайёргарликни мониторинг қилишнинг амалий жиҳатларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот вазифалари. Жисмоний тайёргар-

ликнинг назарий асосларини (асосий сифатлар: куч, чидамлилик, координация, эгилувчанлик, тезкорлик) аниқлаш.

Жисмоний тайёргарликнинг кондицион ва координацион шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиш. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун қўлланиладиган амалий тестларни таҳлил қилиш (масалан, 30 м югуриш, 3х10 м мокисимон югуриш, жойидан туриб узунликка сакраш ва ҳ.к.).

Ўрта синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги мониторинги ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни (масалан, ягона меъёрий талабларнинг йўқлиги) аниқлаш. Жисмоний тайёргарликни ривожлантиришда самарали услубларни (масалан, ҳаракат тезкорлигига қаратилган айланма машғулот услублари) тадқиқ қилиш.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.

Жисмоний тайёргарлик – бу жисмоний сифатларни ривожлантириш, зарур кўникма ва малакаларни ўзлаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкиллаштирилган педагогик жараён натижасидир.

У қуйидаги асосий сифатларни ўз ичига олади: куч, чидамлилик, координация, эгилувчанлик, тезкорлик. Ушбу сифатларнинг ривожланганлик даражаси инсоннинг жисмоний тайёргарлигини белгилайди.

Охирги вақтда жисмоний тайёргарликнинг кондицион ва координацион шакллари ажратилмоқда.

Координацион жисмоний тайёргарлик кондицион жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланади. Улар таркибига асосий (куч, чидамлилик, эгилувчанлик, тезкорлик) ва ҳосила (куч чидамлилиги, тезкор чидамлилик, тезкор-куч қобилиятлари) сифатлар киради. Координацион жисмоний тайёргарлик, биринчи навбатда, марказий асаб тизими ва сенсомотор жараёнларнинг хусусиятлари (мувозанатни намоён қилиш пайтида ва вестибуляр функция) билан белгиланади.

“Координация” тушунчаси (лотинчадан «координатион» - келишиш, биргаликда бўйсуниш, мувофиқлаштириш) ҳаракатларни бошқариш жараёнида маълум бир ҳаракатларни ўзаро мослаштириш қобилияти сифатида белгиланади. У мувозанат, реакция қилиш, фазода мўлжал олиш, ҳаракатлар параметрларини табақалаштириш, битта ҳаракат амалидан бошқасига қайта ўтиш, ҳаракат амалларини ритмлаштириш, ихтиёрий бўшашиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш пайтида намоён бўлади.

Кондицион ва координацион сифатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини айтиш зарур. Масалан, ҳаракат амалларини муваффақиятли ўзлаштириш, хилма-хил ҳаракат малакалари ва кўникмаларини такомиллаштириш, биринчи навбатда, координацион қобилиятларга боғлиқ. Бунда одам томонидан ўзлаштирилган ҳаракат амалларининг сони қанчалик кўп бўлса, кондицион сифатларни такомиллаштириш имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, асосий жисмоний сифатларнинг ривожланиши даражаси индивиднинг жисмоний тайёргарлигини белгилайди, демак, унинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлайди.

Асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш жисмоний тарбиянинг ўзига хос вазифаларидан бири бўлган – соғломлаштириш вазифасининг асосини ташкил қилади. Лекин вазифалар мавжуд экан, меъёрлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар ушбу вазифаларни ҳал қилишнинг унификацияланган ифодаси ҳисобланади. Бунда, меъёрлар муайян (тест услубиятлари деб номланадиган) ҳаракат амалларида намоён бўлади, уларни бажариш, одатда мусобақалашиш тавсифига эга ва шуғулланувчиларда маълум даражадаги қизиқишни уйғотади (айниқса, болалар ва ўсмирларда). Эришилган натижалар тўғрисидаги тасаввур, сўзсиз, рағбатлантирувчи тавсифга эга ва ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш жараёнида анча кўргазмали ва таъсирчан ҳисобланади.

Назорат меъёрларини ташкил қилиш ва бажаришга тайёргарлик кўриш, жисмоний юкламаларни самарали ва оқилона қўллаш шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатлари ривожланишига ва ҳаракат фаолиятидан қониқишга олиб келади, бу уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш борасида катта аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида ҳаракат фаолиятини ташкил қилиш жисмоний тарбия бўйича давлат дастурлари асосида амалга оширилади ва ўқув режасида махсус кўрсатилган жисмоний тарбия бўйича машғулотларда ўтказилади.

Ўрганилаётган муаммо ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўпчилик муаллифлар жисмоний тайёргарликнинг аҳамиятини одамнинг жисмоний саломатлиги ҳолатини аниқлаш ва баҳолашнинг асосий мезони сифатида эътироф этадилар.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини аниқлаш жисмоний тарбия ўқитувчилари учун мажбурий ҳисобланади ва мураккаб қимматбаҳо аппаратурани ҳамда тестлашни ўтказиш пайтида ташкилий жиҳатдан мураккабликни талаб қилмайди.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш жараёнида кузатиладиган жисмоний тайёргарлик ва морфофункционал кўрсаткичларнинг ўзгариши шуғулланувчилар учун юқори мотивацияни таъминлайди.

Жисмоний тарбия амалиёти учун машғулотларнинг синфдаги ўқув шакли шароитларида вақтни

минимал сарфлаш имконини берадиган ва ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини назорат қилишда табиий ҳаракатларни махсус ўрганишни талаб қилмайдиган тестлар талаб қилинади. Улар кичик ва катта ёшдаги ўқувчилар учун оддий бўлиши керак.

Лях В.И. томонидан қуйидаги тестлар таклиф қилинган: жойидан туриб узунликка сакраш, ўтирган ҳолатда бош ортидан иккала қўллар билан тўлдирма (вазни 1 кг бўлган) тўпни улоқтириш, чап ва ўнг қўл кафти динамометрияси.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари мазкур тестларни узоқ вақт давомида мактаб жисмоний тарбияси амалиётида қўллашади. Лекин кейинчалик олимлар мазкур тестлар ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини барча жиҳатларини акс эттирмайди, деган хулосага келишди.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун умумтаълим мактабларида қуйидаги тестлар қўлланилади: 30 м югуриш (тезкорлик қобилиятларини баҳолаш); 3х10 м мокисимон югуриш (координацион қобилиятлар); жойидан туриб узунликка сакраш (тезкор-куч қобилиятлари); 6 дақиқалик югуриш (чидамлиликни баҳолаш); тик турган ҳолатдан олдинга эгилиш (эгилувчанликни баҳолаш); турникда осилиб турган ҳолатда тортилиш (ўғил болалар) (куч қобилиятлари), паст турникда ётган ҳолатда тортилиш (қизлар) керак.

Тестлар тўплами 7-17 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини аниқлаш учун асосни ташкил қилади ва умумтаълим мактабларининг 1-11 синф ўқувчиларини жисмоний тарбиясини мажмуавий дастури таркибига киритилди.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ташхис қилиш учун умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия бўйича мажмуавий дастурида қуйидаги тестлаш услубиятини қўллаш таклиф қилинади:

стартдан 30 м югуриш (тезкорлик қобилиятларини баҳолаш);

1000 м югуриш (чидамлиликни баҳолаш);

ўтирган ҳолатда олдинга эгилиш (эгилувчанликни баҳолаш);

турникда осилиб тортилиш (ўғил болаларда кучни баҳолаш);

30 сония давомида ётган ҳолатда тортилиш (қиз болаларда кучни баҳолаш).

Адабиётлар манбаларини ўрганиш, ҳозирги вақтда мактаб жисмоний тарбия жараёнида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги мониторинги кенг қўлланилаётганлигини кўрсатди.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтга қадар ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини мониторинг қилишнинг ягона умумлаштирилган усуллари Масалан, Б.Х.Ланда жисмоний тайёргарликни мониторинг қилишнинг қуйидаги кўрсаткичларини қўллашни таклиф қилган: гавдани олдинга эгиш, жойидан туриб узунликка сакраш, 1 дақиқа давомида арғамчида сакрашлар, эрга таянган ҳолда қўлларни букиб ёзиш, турникда осилиб туриш, танани 30 сония давомида кўтариш, турникда тортилиш, 3х10 м мокисимон югуриш, 30 м югуриш, 1000 м югуриш.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги мониторингини ўтказиш учун қуйидаги тестлар қўлланилади: ўтирган ҳолатда танани букишлар, чалқанча ётган ҳолатда 30 сония давомида танани кўтариш ва тушириш, жойидан туриб узунликка сакраш. Таклиф қилинган тестларнинг афзаллиги уларни ҳар хил ёш гуруҳлари учун оддийлигидан ва жисмоний тайёргарлик динамикасини кузатишни таъминлаш мумкинлигидан иборат.

Лекин, бизнинг назаримизда, улар барча ҳаракат қобилиятларининг сифат томонларини кузатиш имконини бермайди. Масалан, тезкорлик ва чидамлилик каби жисмоний сифатлар эътиборсиз қолмоқда, улар одам саломатлиги потенциалини кўпроқ даражада белгилайди.

В.Д.Бурликовнинг диссертация ишида жисмоний тайёргарликнинг мониторинги таклиф қилинган бўлиб, у 30 м югуриш, 1000 м югуриш, жойидан туриб узунликка сакраш, гавдани олдинга эгиш ва турникда тортилиш кўрсаткичларига асосланган.

Ўқувчиларнинг ҳаракат фаолияти ривожланиши даражасининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш билан баҳолаш (балларда) назорат синовларининг олтита турлари бўйича амалга оширилади: 1000 м югуриш (дақиқа/сония), ётиб таяниб, қўлларни букиб – ёзиш (марта), турникда букилган қўлларда осилиб туриб танани ушлаб туриш (сония), 30 сония давомида чалқанча ётган ҳолатда танани кўтариш (марта), жойидан туриб узунликка сакраш (см), ўтирган ҳолатда танани олдинга букиш (см).

Мазкур муаммони қисқа таҳлил қилиш бугунги кунда тадқиқотларни ўтказишнинг ягона меъёрий талаблари мавжуд эмаслигини ва улар асосида амалга ошириладиган баҳолаш стандартлари ва меъёрлари қанчалик тўғри бўлса, шунчалик самарали бўлишини кўрсатди.

В.Д.Бурликов меъёр – мониторинг шарти ва асосларининг энг зарурийларидан бири ҳисобланишини адолатли кўрсатган, чунки меъёр мавжуд бўлганидагина олинадиган натижаларни таққослашнинг имкони бўлади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда ўрта синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги мониторингининг ягона миқдори ва меъёрий талаблари мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, асосий жисмоний сифатларнинг ривожланиши шахснинг саломатлик

потенциалини белгилайди. Жисмоний тайёргарликни баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали, оқилона қўлланилиши ўқувчиларнинг жисмоний сифатлари ривожланишига ва уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга катта аҳамият касб этади. Тадқиқот, самарадорликни ошириш учун мониторинг меъёрларини илмий асосда ягона стандартга кельтириш зарурлигини таъкидлайди

Адабиётлар:

1. Бурлыков В.Д. Методика физического воспитания школьников республики Калмыкия на основе мониторинга их физического развития физической подготовленности: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. / В.Д. Бурлыков. - Волгоград: ВГАФК, 2006. - 24 с.
2. Ланда Б.Х. Методика комплексной оценки физического развития и физической подготовленности: учебное пособие / Б.Х. Ланда. - 5-е изд., испр. и доп. - М. : Советский спорт, 2011. - 348 с.
3. Лях В.И. Комплексная программа-физического воспитания (для учащихся 1-11 классов) / В.И. Лях, А.А. Зданевич. -М.: Просвещение, 2006. - 88 с.



Кандидат экономических наук., профессор
К.Ш. ЗИЯДУЛЛАЕВ[1]
[1]Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, город Чирчик, Узбекистан

https://doi.org/10.65149/fansport.2025.v8i10.a032

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИННОВАЦИОННЫХ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ В СИСТЕМЕ СПОРТ-ЛОГИСТИКА-КЛАСТЕР СПОРТИВНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Аннотация

Проводимые исследования показывают, что сфера физической культуры и спорта как отрасль в последние годы является одной из самых динамично развивающихся в нашей стране. В данной статье рассмотрены особенности, основные принципы, задачи, функции и формирования современных инновационных механизмов управления персоналом в системе спорт-логистика-кластер спортивных организаций, где особое внимание уделено вопросам, связанных с квалифицированными кадрами, которые могут поднять уровень оказываемых услуг спортивными организациями на совершенно иной, новый уровень качества.

***Ключевые слова**: система спорт-логистика-кластер, спортивный менеджмент, интеграция спортивных организаций, эффективность спортивных кластеров, управление ресурсами в спорте, развитие спортивной инфраструктуры, логистика в спорте, экономика спорта, организация спортивных мероприятий, спортивная индустрия Узбекистана*

Annotation

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси сўнгги йилларда мамлакатимизда жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада спорт ташкилотларининг спорт-логистика-кластер тизимида ходимларни бошқаришнинг замонавий инновацион механизмларининг хусусиятлари, асосий тамойиллари, вазифалари, функциялари ва шаклланиши кўриб чиқилган. Бунда спорт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар даражасини бутунлай бошқача, янги сифат даражасига кўтара оладиган малакали кадрлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

***Калит сўзлар**: спорт-логистика-кластер тизими, спорт менежменти, спорт инфратузилмаси, спорт ташкилотлари интеграцияси, ресурсларни бошқариш, спорт кластерлари самарадорлиги, спортни ривожлантириш стратегияси, спорт логистикаси ва транспорт тизими, спорт иқтисодиёти, Ўзбекистон спорт тизими.*

Research conducted shows that the field of physical education and sports has been one of the most rapidly developing areas in our country in recent years. This article examines the characteristics, fundamental principles, tasks, functions, and formation of modern innovative personnel management mechanisms within the sports-logistics-cluster system of sports organizations. Special attention is paid to issues related to qualified personnel who can elevate the level of services provided by sports organizations to a completely new, qualitatively superior level.

***Key words**: sports-logistics-cluster system, sports management, sports infrastructure, integration of sports organizations, resource management, efficiency of sports clusters, sports development strategy, sports logistics and transport system, sports economy, Uzbekistan sports system.*

Актуальность темы. В годы независимости Узбекистан добился значительных успехов в физической культуре и спорте благодаря инициативам Президента нашей страны. Наши спортсмены успешно выступают на международных соревнованиях, завоевывая медали, особенно в таких традиционных для страны видах спорта, как борьба (включая кураш), бокс, гимнастика, футбол, плавание и тяжелая атлетика.

Однако, система “Спорт-логистика-кластер” спортивных организаций предполагает интеграцию спортивных организаций в кластеры (группы) с целью оптимизации их деятельности через логистику, охватывающую транспортировку, хранение и распределение ресурсов, а также координацию всех участников кластера для эффективной подготовки спортсменов, проведения мероприятий и достижения общих спортивных целей. Система “Спорт-логистика-кластер” спортивных организаций представляет собой интегрированный подход, в котором спортивные организации функционируют в рамках кластера, а логистика обеспечивает эффективное управление ресурсами и процессами внутри этой структуры. Логистика управляет поставками, транспортировкой и распределением, обеспечивая спортсменов и мероприятия всем необходимым. Спортивный кластер создает среду для взаимодействия разных дисциплин, способствуя саморазвитию и обмену опытом между участниками.

Спортивные организации: Это могут быть коммерческие или некоммерческие организации, занимающиеся подготовкой спортсменов, проведе-


309






UZBEKISTAN
574


SPORTLAND
SPORTLAND
SPORTLAND


311

